10 0 5 38

НАВРЎЗНИ КУТИБ

СУРХОНДАРЁ. Шаҳарлар улғайгани сайин яшариб боради, дейишади. Юртимизнинг жанубий дарвозаси — 2500 йиллик Термиз шаҳри ҳар баҳорни бошқача кутиб оладиган бўлиб қолган. Шаҳарнинг кенжа 5-кичик даҳасидаги хиёбонда 5 минг туп гул кўчати, 10 минг туп қайрағоч ўтказилди. Мевали ва манзарали дарахтлар ҳам экилмоқда. Деҳқон ҳамда тижорат бозорлари қуришга аввида. Бир сўз билан айтганда, термизликлар баҳор айёмини кўтаринки руҳда кутиб олишга ҳозирланмоқдалар.

Олимжон УСАНОВ.

«ЭНГ ИБРАТЛИ КЕЛИНЧАК»

АНДИЖОН. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда жамоатчилик ташкилотлари ҳамкорликда «Энг ибратли келинчак» кўрик-танловини ўтказганлиги бежиз эмас. Келинчаклар ўз иқтидори, билими, маҳорати, пазанда-лигию-одобларини намойиш этдилар. Энг чаққон, зебо санамлар — юқори баҳоланган Асака шаҳри, Улуғнор, Жалолқудуқ, Қўрғонтепа, Ҳўжаобод, Булоқбоши ва Олтинкўл туманлари келинчаклари эътибор қозондилар. Ғолиблар навбатдаги босқичга йўлланма олишди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР ФАКТЛАР

ЙОДЛИ НОНЛАР

«БУХОРОНОН» хиссадорлик жамияти жамоаси маҳсулотларнинг харидоргир бўлишига эътибор бермоқда. Яқиндан бошлаб «Ширин кулча» нонвойхонасида шифобахш маҳсулотлар тайёрлашга киришилди. Йодли булка ва батонлар таркибига солинадиган зарур хом ашё пойтахтдан келтирилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, йодли нонлар юрак, буйрак, асаб ва ошқозон касалликларини даволашга имкон берар экан. Ҳозирча ойига етти тоннадан кўпроқ йодли нонлар тайёрланмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ.

ОИЛА ЙИЛИ МЕВАСИ

ЖИЗЗАХ. Арнасой туманидаги 1-лицей-интернатга «Самсунг» компьютер ускуналари ўрнатилди. Вилоят халқ таълими бошқармасининг Оила йили дастурида қайд қилинишича, ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигини ошириш борасида ушбу йилда кенг қамровли ишлар амалга оширилади.

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 3 март, сешанба • № 27 (22.264).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

САНИТАРИЯ ҚОНУНЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Давлат санитария назорати тизими фаолиятининг роли ва самарадорлигини ошириш, юқумли касалликлар кўпайишининг олдини олиш, республика аҳоли яшаш жойларининг санитария-эпидемиология ҳолати учун шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, корхоналар, муассасалар, ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари ва фуқароларнинг ҳуқуқий жавобгарлигини кучайтириш мақсадида:

1. Белгилансинки, туманлар ва шаҳарлардаги аҳоли яшаш жойларининг санитария-эпидемиология вазияти учун коммунал ва санитария хизматлари раҳбарлари билан биргаликда ҳокимлар шахсан жавоб берадилар.

2. Санитария назорати органларининг «Давлат санитария назорати тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳудудларнинг санитария муҳофазаси ва касалликларнинг олдини олишга доир амалга ошириладиган фаолиятига тўсқинлик қилиш мақсадида ушбу органларга ҳар қандай таъсир кўрсатиш қатъий тақиқлансин.

3. Санитария қонунчилиги бузилганлиги учун шаҳарлар, туманлар ҳокимлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари ва фуқароларнинг маъмурий жавобгарлиги кучайтирилсин. Белгилансинки:

санитария қонунлари, санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари бузилганлиги юқорида айтиб ўтилган мансабдор шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солинишига олиб келади;

карантин қилинган касалликлар ёки инсон учун хавфли бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ёки тарқалишининг олдини олиш мақсадида белгиланган мажбурий қоидаларнинг бузилиши мансабдор шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солинишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги жазо жарималаридан тушувчи маблағлардан фойдаланиш тартибини бир ҳафта муддатда тасдиқласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси жарималар қонун ҳужжатлари билан белгиланган муддатларда тўланмаган ҳолларда Давлат санитария назорати органларининг қарорлари бажарилишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

санитария қонунчилиги ва эпидемияга карши кураш қоидалари бузилганлиги учун жиноий жавобгарлик белгилаш;

қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқувчи қўшимчалар ва ўзгартиришлар тўғрисида таклифлар киритсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазири аҳоли яшаш жойларининг санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш, юқумли касалликлар билан касалланишнинг олдини олиш, санитария қонунлари талаблари бажарилиши учун маҳаллий ҳокимият органлари, коммунал хизмат ва санитария назорати органларининг жавобгарлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар.

7. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Миллий ахборот агентлиги республика санитария-эпидемиология хизматининг фаолияти тўғрисида махсус телекўрсатувлар ва рукнлар жорий этсин.

8. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, эпидемияга қарши кураш республика фавқулодда комиссияси раиси И. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 2 март

УРГУТЛИК СЎЗАНАЧИЛАР. Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 3 мартдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	56,33
1 Австрия шиллинги	6,52
1 Англия фунт стерлинги	136,88
10 Бельгия франки	22,28
1 Голландия гульдени	40,73
10 Греция драхмаси	2,90
1 Дания кронаси	12,04
1 БАА дирхами	22,56
1 АҚШ доллари	82,86
1 Миср фунти	24,37
1 Ирландия фунти	113,31
1 Исландия кронаси	1,15
10 Испания песети	5,41
100 Италия лираси	4,65
1 Канада доллари	58,19
10 Хитой юани	10,01
1 Қувайт динори	271,58
100 Ливан фунти	5,42
1 Малайзия ринггити	22,98
1 Германия маркаси	45,89
1 Норвегия кронаси	11,00
1 Польша злотийси	23,81
10 Португалия эскудоси	4,49
1 Сингапур доллари	51,23
1000 Туркия лираси	0,36
1 Финляндия маркаси	15,13
1 Франция франки	13,68
1 Швеция кронаси	10,40
1 Швейцария франки	56,74
1 ЭКЮ	90,51
10 Жанубий Корея вони	0,53
10 Япония иенаси	6,60
1 Россия рубли	13,65
1 Украина гривнаси	41,12
1000 Беларусь рубли	2,53
1 Латвия лати	140,20
1 Литва лити	20,72
1 Молдова лейи	17,57
1 Қирғизистон соми	4,70

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Фармон ва ижро

УЙ ЗАРУРМИ, БАНККА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ

Чиндан ҳам шундай. «Уй-жойжамғармабанк»нинг Хоразм вилояти бўлими Урганч шаҳрида кенг кўламли турар жой бинолари қуришга киришди. 16 хонадонга мўлжалланган дастлабки бино эса ҳозирдаёқ эгалари ихтиёрига топширилди. Банк бу жойларни ўз ишчи - хизматчиларига атаб қураётгандир, дерсиз. Тўғри, бўлғуси хонадон соҳиблари орасида ғазна хизматчилари ҳам бор. Аммо, аксарияти бошқалар. Гап шундаки, банк раҳбарияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жойлар қурилишида ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ўтган йилнинг март ойида қабул қилган Фармонига биноан фуқароларнинг номлари ёзилган облигациялар туркумини чиқарди. Қисқа вақт ичида бу облигацияларни юзларча фуқаролар сотиб олдилар. Облигациянинг кучи шундаки, уни сотиб олганлар пировардида ўзларига атаб қуриладиган иморат қийматининг атиги ярмини тўлайдилар. Унинг 40 фоизини банк томонидан 10 йил муддатга бериладиган имтиёзли қарзлар ташкил этади. Уй-жой эгаси эса иморат баҳосининг атиги 10 фоизини олдиндан тўлайди. Яна бир ибратли жиҳати ,башарти бино қурилиши ўзаро келишилган муддатдан банкнинг айби билан чўзиб юборилса, у буюртмачига ҳар бир кечиккан кун учун облигация қийматининг 1 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Бундай кечикиш буюртмачи томонидан содир этилса, жарима миқдори кунига 0,5 фоизни ташкил этади. Ўзаро шартномада қайд этилган бундай «қаттиққўллик» пировардида томонларни сўзнинг субути учун астойдил жон куйдиришга ундайди. Буюртмачи қарзини муддатидан илгари қайтаргани учун ҳам катта имтиёзлар белгиланган.

Аҳолининг кенг қатламлари учун жорий этилган бу каби енгилликлар фуқароларнинг обод уй-жойларга эҳтиёжини қондириб, қуриш-яратиш ишлари кўламини кенгайтиришга хизмат қиляпти. Ушбу йил охиригача шаҳарда ана шу усул билан яна элликдан ортиқ оилага кўркам иморатлар қуриб берилади.

Абдулла СОБИРОВ,
жамоатчи мухбир.

ОИЛАДАН БОШЛАНАР ВАТАН

Қашқадарё вилояти ҳокимининг қарори билан вилоятда «Оиладан бошланар Ватан» танлови ўтказиладиган бўлди. Танловда адабиёт, санъат, тасвирий ва халқ амалий санъати, публицистика соҳасида яратилган энг яхши асарлар саралананади. Ғолиблар пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

Оила йили муносабати билан ўтказиладиган ушбу тадбирдан мақсад азалдан анъанага айланган оилавий ижодкорлик, ҳунармандчилик, халқ амалий санъатини янада рағбатлантириш ҳамда унинг тарбиявий таъсирини оширишдир.

Тўлқин ЭШБЕК.

ВАТАН ХАРИТАСИ

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Олий Мажлис кўмиталарининг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоят ҳокимларининг ҳамда алоқадор вазирлик ва идоралар, уюшма ва компаниялар раҳбарларининг ўринбосарлари ва туман ҳокимларининг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш масалаларига бағишланган ўқув машғулотларининг иккинчи босқичи якунланди.

* * *

Олий Мажлиснинг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳузуридаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши комиссияси ҳамда республика хотин-қизлар қўмитасининг Гулистонда бўлган қўшма йиғилишида Марказий Осиёда Ўзбекистон биринчи бўлиб БМТнинг «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги резолюция асосида халқаро конвенцияга қўшилгани, оналик ва болаликни, хотин-қизлар ҳуқуқларининг ҳимояланишини таъминлаш, уларнинг давлат, жамоат ва тадбиркорлик ишларида иштирокини кенгайтириш ва бошқа ишларга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

ШАРТНОМА ТУЗИШНИ БИЛАСИЗМИ?

ёки ҳуқуқий саводсизлик нимага олиб келгани ҳақида

— Илгарилари осон эди раҳбарлиқ, — деб қолди узоқ йиллар хўжалик мутасаддиси бўлиб ишлаб, сочи оқарган собиқ раҳбарлардан бири. — Йил бошида қандай экинни қанча майдонга экиш, қанча ҳосил олиш, қанча молу қўй боқиш қатъий белгилаб қўйиларди. Режани бажардингми, вассалом! У ёғи билан ишинг йўқ...

Бироқ, бошқарувнинг худди шундай маъмурий-буйруқбозлик усуллари соғлом фикрни, ташаббус ва тадбиркорликни ўлдиргани, одамларни 'муте, мурватини бураса юрадиган машина ҳолига солиб, тараққиётга тўғаноқ бўлганини биламиз-ку!

Лекин, унинг бир гапида жон бор: чиндан ҳам ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитларида раҳбар бўлиш осон эмас. Ҳозирги раҳбар ҳам аъло мутахассис, ҳам ҳақиқий тадбиркор, ташкилотчи, айни пайтда ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган-билган одам бўлмоғи даркор эндиликда. Қанчалик яхши мутахассис бўлмасин, томирида озгина ҳуқуқшунос қони оқиб турмаган раҳбардан корхона ёки ташкилотга фойда кам. Бундай раҳбарларда ҳали бозор иқтисодиёти шароитига кўникма шаклланмаган, улар ўз корхона ёки хўжалигининг ўзгалар билан моддий-молиявий шартномаларига беэътибор, уларнинг ўз муддатида бажарилишини таъминлашга лоқайд қарайдилар. Бу эса ўз навбатида хўжаликнинг иқтисодий ривожига зарар келтиради.

Фарғона вилояти хўжалик суди томонидан ўтган йили кўриб чиқилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш шартномаларини бажариш билан боғлиқ ишларни кўздан кечирарканса, беихтиёр шу фикрга келади киши. Бир мисол. 1996 йили «Қувасой» жамоа хўжалиги Қувасой шаҳридаги «Мир ЛТД» хусусий корхонаси билан шартнома тузган. Унга мувофиқ «Мир ЛТД» «Қувасой»га 2.860.160 сўмлик картошка етказиб бериши, жамоа хўжалиги эса бунинг эвазига боғларида ҳосил етилгач, хусусий корхонага шу маблағ қийматига тенг миқдорда мева бериши керак эди. Албатта, бу бир қарашда қонуний, оддий бир шартнома... Аммо, хусусий корхона раҳбарлари шартномага шундай бир банд қўшишган ва «Қувасой» ишбошлари бош қашимай имзо чекиб юборганларки, худди шу ҳол кейинчалик «Қувасой»ни қийин аҳволга солиб қўйган. Юқоридаги бандга кўра, агар мева етказиб бериш кечиктирилса, ҳар бир кечиктирилган кун учун «Қувасой» юқоридаги маблағнинг 10 фоизи миқдорида пеня — яъни, бурдсизлик товони тўлаши лозим бўлган! Қарангки, «Қувасой» юқоридаги миқдорда мевани шартномада белгиланган муддатда тўлиқ «Мир ЛТД» га етказиб беролмайди ва шартноманинг хўжаликни асоратга солувчи ўша бандига тушади...

Вилоят хўжалик суди бу ишни кўриб чиқиб, «Қувасой» жамоа хўжалигидан 23 миллион 577 минг 104 сўм маблағини «Мир ЛТД» ҳисобига ўтказиш ҳақида қарор чиқарди. Энди «Қувасой» ўзи олган қарзни қарийб 21 миллион сўм ортиғи билан тўлашга мажбур! Хўжалик учун бу қандай улкан иқтисодий зарба эканлиги тушунарли. Мана сизга жамоа хўжалиги раиси М.Худойбердиев томонидан шартнома шартларини тўлиқ ўрганмай, унинг оқибатларини чуқур мулоҳаза қилмай имзо чекиб юборавериш натижаси! Ҳозирги пайтда хўжалик раҳбарлари бу қарордан норози. бўлиб, судлашувни давом эттирмоқдалар... Аммо, юқори даражадаги хўжалик суди бу ишни қандай ҳал этишидан қатъий назар, шартноманинг ҳуқуқий шартларига бепарво бўлиш қандай оқибатларга олиб келиши юзасидан ўзига хос сабоқ бўлди бу воқеа!..

Жамоа хўжаликларидан полиз ва сабзавот маҳсулотларини қабул қилиб олиб, кейинча хўжаликларга тегишли пулни тўлашдан қочиб юрган раҳбарлар-чи? Боқибеғамлик билан «Ҳа, энди вақти келар, тўлаймизда!» деган кайфиятда юрган мансабдор шахслар бундай лоқайдлик учун қонун олдида жавоб беришларини тушунганда эдилар!.. Қува консерва заводи шу тумандаги Охунбобоев ва М.Обидов номли жамоа хўжаликлари томонидан хўжалик судига берилди. Жавобгар корхона Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг 305 минг 782 сўм ҳақини, М.Обидов номли жамоа хўжалигининг эса 123 минг 991 сўм ҳақини тўлашга мажбур бўлди. Аммо суд бу ишни кўргунча даъвогарлар ва жавобгарлар орасида қанча аччиқ-тизиқ, асаббозлик, беҳуда вақт йўқотиш содир бўлгани уларнинг ўзларига аён!

Қува шаҳар бош пиллахонаси ана шундай нописандлик учун «Янги қишлоқ» жамоа хўжалиги фойдасига 395 минг 238 сўм бурдсизлик товони тўлашга мажбур бўлган.

Риштон тумани бош пиллахонаси эса шартнома мажбуриятини ўз вақтида бажармагани учун тумандаги учта жамоа хўжалигига умумий миқдори 274 минг 306 сўмли жарима ва бурдсизлик товони тўлаган! Кимга фойда, кимга зиён? Бундай бепарволик, лаёқатсизлик учун эса раҳбардан эмас, балки у бош бўлган корхонадан жарима, бурдсизлик товони ундирилишини адолатдан деб бўладими?

Албатта, бозор иқтисодиёти шароитларига мослашмаган, ҳали ҳам юқоридан буйруқ кутиб ишлайдиган раҳбарларнинг ҳуқуқий савиясини ошириш, шартномаларнинг қонуний, ҳуқуқий жиҳатдан пишиқ-пухта тузилиши, уларнинг ўз вақтида бажарилиши учун масъулиятни жарима, 10723 сўм бурдсизлик товони, Охунбобоев номли жамоа хўжалиги фойдасига эса 269 минг 796 сўм асосий қарзни, 13 минг 488 сўм жарима ва 56 минг 657 сўм бурдсизлик товони, «Мирзо Улуғбек» жамоа хўжалиги фойдасига 330 минг 248 сўм асосий қарзни, 16 минг 512 сўм жарима ва 1650 сўм ошириш бўйича махсус ўқувлар, семинар йиғилишлар ўтказиш бугунги кун талаби. Зеро, кўпгина қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари ҳамон хўжалик судларига ўзларининг бузилган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилишга... юмшоқ қилиб айтганда, негадир тортинадилар! Ўтган йили вилоят хўжалик судига вилоятдаги 14 та жамоа хўжалиги шартнома мажбуриятларини ижро қилдиришда ёрдам сўраб мурожаат қилган, холос. Нега энди шунақа? Ўз қонуний ҳақларини олишда сансалорликка дуч келаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари вилоятда камми? Масалан, яна ўша ҳуқуқий билимдонликнинг етишмаслигига бориб тақалади. Ҳолбуки юқорида айтганимиздек, ўз корхона ва хўжалик манфаатларини қонуний муҳофаза этишга ноқобил бўлган раҳбар ҳозирги шароитларда корхонасига зарар келтирадиган шахсга айланиб қолиши мумкин. Ҳа, раҳбарларда озгина ҳуқуқшунос қони бўлсин...

Қамбарали ИСМОИЛОВ,
Фарғона вилоят прокурорининг судларда хўжалик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўйича катта ёрдамчиси, 2-даражали ҳуқуқшунос.
Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВАТАН ХАРИТАСИ

Жиззах вилоят ҳокимлигида юртбошимизнинг Олий Мажлис ўнинчи сессиясида ва яқинда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда қилган маърузасида қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида ўртага қўйган вазифалар, шунингдек, ер кодекси, ширкат хўжалиги, деҳқон хўжалиги, фермер хўжалиги тўғрисидаги қонунлар лойиҳалари жойларда қандай ўрганилаётганига бағишланган йиғилиш бўлди.

* * *

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Темур Камолов Европа таъмирлаш ва ривожлантириш банки инвестиция жамғармаси президенти Джулио Франциненттини ҳамда «Ассошиэйтед Мрамир» компанияси бош директори Бруно Туллини қабул қилди.

Меҳмонларга ўлканинг жуғрофий ўрни, иқтисодий имкониятлари, экологик шароити, ҳалқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар, хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорлик тўғрисида сўзлаб берилди.

(ЎзА ва ўз мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди).

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Тадбиркор ва замон

Мамлакатимизда ислоҳотлар йўлидан бораётган ишбилармон, тадбиркор кишилар талайгина. Улар юртимизнинг обод бўлишига ўз улушларини қўшиб бормоқдалар.

Янгийўл шаҳрига кираверишда бир корхона жойлашган. У «Ижодкор» деб номланади.

Ҳар куни «Ижодкор» тамғаси билан ғишт ортилган ўнлаб автомашиналар карвони бу корхона дарвозасидан чиқиб, белгиланган манзиллар томон ошиқади. Жамоа ишлаб чиқараётган бинокорлик маҳсулоти -- ғиштга ҳамиша харидор топилади.

Корхонада ғишт тайёрлаш билан боғлиқ барча жараёнлар тез ва сифатли бажарилади. Бунга бир томондан технологияни такомиллаштириш орқали, иккинчи томондан ишчи-хизматчиларнинг ўз вазифаларига сидқидилдан, масъулият билан муносабатда бўлишлари туфайли эришилмоқда. Ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда кенг ҳажмдаги таъмирлаш ишлари бажарилди, қолоқ участкаларда, иш суръати паст жойларда мутахассислар янгиланди. Печларнинг қуввати оширилди. Ишлаб чиқаришнинг маханизация ва автоматлашиш даражаси кескин ортди.

Бугунги кунда корхонада кунига ўртача ҳисобда 80 мингдан зиёд пишиқ, қурилишбоп ғишт ишлаб чиқарилмоқда. Жамоа қўлидан чиқаётган бу қурилиш маҳсулоти оддийларидан фарқ қилади. Бунинг аҳамиятли томони маҳсулоти арзон бўлиб, бино тез барпо бўлади ва зарур қоришма ҳам кам сарфланади.

Корхонага соҳа сирини чуқур биладиган, катта тажрибага эга бўлган тадбиркор Ўткиржон Маҳмудов раҳбарлик қилмоқда. У билан ёнма-ён ўнлаб ишбилармон, ҳамфикр кишилар тўпланганки, бу ҳам кўп жиҳатдан техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг йилдан-йилга ошувида ўз самараларини кўрсатмоқда.

—Бугунги кунда корхонамизда 260 нафар киши меҳнат қилади, — дейди жамоа раҳбари Ў.Маҳмудов. — Уларнинг аксарияти маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этишади. Ишчи кучидан самарали фойдаланиш мақсадида келгусида турар-жой биноларини устки қисмига ишлатиладиган черепица ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Ундан ташқари, яқинда фойдаланишга топшириладиган тикув цехимизда 60 нафар ишсиз хотин-қизлар иш билан таъминланади. Бу ерда бинокорлар учун махсус устки кийимлар, пахталик, қўлқоп ва пахта териш этаклари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Ҳадемай корхонамиз атрофида янги гузар иш бошлайди.

Ҳа, «қарс икки қўлдан» деганларидек, корхона жамоасининг кўпчиликка ибрат бўладиган фазилати — ишчи ва хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида аҳамият берилаётганидир.

Байрам ва тарихий саналарда дастурхон ёзиш, тўй ва бошқа маросимларда ишчи-хизматчиларга моддий ва маънавий ёрдам бериш, беморлар, нафақахўрларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга имкон қадар кўмаклашиш бу ерда доимий анъанага айланган.

Мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишларини олиб боришда, барча қурилиш жиҳозлари сингари ғиштга бўлган эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда. Шундай экан, «Ижодкор» сингари корхоналар салмоғини ошириш, жойларда янги ғишт ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишни даврнинг ўзи тақозо этиб турибди.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Менда **таклиф** *бор*

ҚИШЛОҒИМИЗНИ ТИКЛАЙЛИК

Мирзабек қишлоғи бир вақтлар Касби туманидаги сўлим ва йирик қишлоқлардан бири ҳисобланган. Қамаши қишлоқ йиғинининг архив ҳужжатларидаги маълумотларга қараганда, у ерда 500 дан ортиқ оила истиқомат қилган.

Бироқ, собиқ империя даврида (1951 йил) қишлоқ тарқатиб юборилди. Аҳоли мажбуран республиканинг турли бурчакларига (Қарши чўлига, Тошкент ва Сирдарё вилоятларига) кўчирилди. Халқ киндик қони тўкилган азиз ва мўътабар гўшадан маҳрум этилди. Ахир, ҳар бир киши учун туғилиб ўсган маскан азиз эмасми? Қишлоқ ўрнини эса кенг пахтазор эгаллади. Халқ шу дилбар қишлоқ соғинчида яшади. Аҳён-аҳёнда келиб, қаршиликларга қарамасдан одамлар шу қишлоқ тупроғини кўзга суртиб, тавоф қилдилар.

Мустақиллика эришувимиз қадриятларимизни жонланишига йўл очди. Ўша пайтда Мирзабек қишлоғи билан биргаликда тарқатиб юборилган Зарқўноқ қишлоғи қайта қад ростлади. Аммо Мирзабек қишлоғини тиклашга келганда Муғлон қишлоқ йиғини бунга тиш-тирноғи билан қарши чиқди. 100 нафарга яқин кишиларнинг аризаси рад этилди.

Ҳа, Мирзабекликлар хоҳиш иродасидан келиб чиқиб, қишлоқ қайта тикланса ота-боболаримиз руҳи шод этилган бўларди. Шу вақтга қадар юзлаб собиқ қишлоқ аҳли олдинги Мирзабек ҳудудига келиб, бу ҳақда озмунча гапирди дейсизми? Бироқ ариза ва таклифлар инобатга олинмади.

Қани энди қишлоқни қайта тиклашга рухсат берилса, кўнглимиздаги иш бўларди.

Бобомурод ХОЛОВ.

Хатлар, **хатлар,** *хатлар*

ТУЯ ГЎШТИ ЕГАН ҚУРИЛИШ

Кадрларни замонавий, жаҳон андозаларига жавоб берадиган моддий-техника базасига эга бўлган ўқув биноларида тайёрлаш давр талабидир.

1991 йилда Янгийўл шаҳридаги технологик коллежда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан ана шундай бинонинг қурилиши бошлаб юборилганди. 199-ишлаб чиқариш колоннаси қурувчилари қисқа вақт ичида бинонинг 50 фоизини қуриб битказишди-ю, 1997 йил январь ойига келиб ишлар тақатақ тўхтаб қолди. Янгийўл технологик коллежи талабаларининг орзулари саробга айланадиганга ўхшайди.

Янги қурилаётган бино 950 ўринли бўлиб, ҳамма мутахассисликлар бўйича ўқув ва лаборатория хоналари, уларни зарур бўлган замонавий жиҳозлар билан таъминлаш режалаштирилганди. 200 ўринли ўқув зали, китоб омбори, 350 ўринли фаоллар хонаси ҳамда ёзги спорт мажмуалари қуриш мўлжалланганди. Ҳолбуки, ҳозирги бинода бу қадар қулай шарт-шароитлар кўзга ташланмайди.

Наҳотки, бошланган хайрли иш ниҳоясига етмаса? Ахир, бугунги кунда миллий дастурни амалга оширишда ушбу масалаларга жиддий эътибор бериляпти-ку. Дарвоқе, бино битказилмаган тақдирда қурилиш учун сарфланган маблағлар ҳавога учиб кетаверадими?

Шерхон ҚОРАЕВ.

ЗАМИРА ҲИДОЯТОВА

Ўзбек маданияти ва санъати оғир жудоликка учради. Юксак истеъдод соҳибаси, ўзбек миллий театр санъатининг асосчиларидан бири, Ўзбекистон халқ артисти Замира Ҳидоятова 89 ёшида вафот этди.

Замира Ҳидоятова 1909 йилда Тошкентда қурувчи оиласида таваллуд топди. Санъатга бўлган чинакам ҳавас уни театр-студиясига етаклади. 1927 йили театр-студияни муваффақиятли тугатган ёш санъаткор Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида ўз меҳнат фаолиятини бошлади ва шу саҳнада олтмиш йил баракали ижод қилди.

Замира Ҳидоятова ўз ижодий фаолияти давомида театр саҳнасида, кино ва телевидениеда юзлаб ранг-баранг етук образлар яратиб, ўзбек миллий театр санъатининг ёрқин юлдузларидан бирига айланди.

Унинг ижросидаги Ҳожиона («Бой ила хизматчи»), Ҳамробиби («Шоҳи сўзана»), Рузвонбиби («Юрак сирлари»), Хосият («Имон»), Она («Арслон»), Бўстон («Аяжонларим») сингари ўнлаб сара образлар ўзбек ва жаҳон актёрлик санъатининг юксак ва нодир намуналарига айланди. Санъаткор яратган ҳар бир образ ўзига хос жозибаси, қаҳрамон характерининг моҳирона талқини билан қимматлидир.

Замира Ҳидоятова, айниқса, меҳр-мурувватли, мунис ўзбек онахонлари сиймоларини жуда катта маҳорат билан ижро этган. Санъаткор ижоди ҳамиша томошабинларни тўлқинлантириб, ҳайрат ва ҳаяжонга солиб келган.

Замира Ҳидоятованинг ўзбек миллий театр санъати тараққиётидаги улкан хизматлари муносиб тақдирланган. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон халқ артисти фахрий унвонлари, қатор орден ва медаллар соҳибаси эди.

Замира Ҳидоятова камтарин инсон, гўзал қалб эгаси, меҳридарё онахонларимизнинг ажойиб тимсоли эди.

Ўзбек халқининг ардоқли фарзанди, улкан санъаткор Замира Ҳидоятованинг ёрқин хотираси санъат мухлисларининг қалбида абадий яшайди.

Ислом КАРИМОВ, Эркин ХАЛИЛОВ, Ўткир СУЛТОНОВ, Ўткир РАҲМАТОВ, Алишер АЗИЗХЎЖАЕВ, Дилбар ҒУЛОМОВА, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Сора ЭШОНТЎРАЕВА, Ҳалима НОСИРОВА, Зикир МУҲАММАДЖОНОВ, Бернора ҚОРИЕВА, Ёқуб АҲМЕДОВ.

ЭЪТИРОФ ВА ЭЪТИБОР

Жаҳон авиация ҳамжамиятининг етакчи даврий нашри «Aviation week and space technology» журнали инглиз, француз, испан ва рус тилларида чоп этилади. Миллионлаб нусхада чиқаётган нашр АҚШ, Буюк Британия, Франция, Европа ва Осиёнинг барча етакчи мамлакатларида, Россияда қадрли. Журнал ҳар йили ўз саҳифаларида жаҳон авиацияси ривожига салмоқли ҳисса қўшган алоҳида шахслар ва ходимлар гуруҳи бўйича лауреатликка номзодлар рўйхатини чоп этади. Улар муҳаррирларнинг тавсияларига мувофиқ «Тижорат ҳаво транспорти», «Давлат ҳарбий авиацияси», «Реактив авиация», «Космос», «Электроника ва парвозларни бошқариш» каби тоифалар бўйича танланади. Ғолибга «Ҳаёти давомидаги муваффақият учун мукофот», шунингдек ёдгорлик совғаси тақдим этилади. Мукофотлаш маросими Вашингтонда миллий аэро-космик музейида ўтказилади. Айни кезда ғолибларнинг исми-шарифлари Шон-шуҳрат залидаги рўйхатдан ўрин олади.

Шуниси қувончлики, нашрнинг бу йилги «Тижорат ҳаво транспорти» тоифаси бўйича мукофотга кўрсатилган номзодлар рўйхатида юртдошимиз — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг бош директори Арслон Рўзметов ҳам бор. Бу юксак баҳо — миллий авиакомпаниямизнинг тобора ошаётган нуфузи, эътирофи, бутун жаҳонда Ўзбекистонга бўлган чуқур ҳурмат белгисидир.

Алишер РЎЗИЕВ.

Бугунги кунда мамлакат миқёсида қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки республика барча аҳолисининг ярмидан кўпи қишлоқ жойларда истиқомат қилади. Очиғини айтганда, ҳозирги шароитда айнан қишлоқ хўжалиги уларни меҳнатга жалб қилишнинг асосий тармоғи ҳамда моддий фаровонлиги манбаи бўлиб турибди. Бозор ислоҳотининг умумий натижалари қишлоқда иқтисодий муносабатлар қанчалик тез ва изчил амалга оширилаётганига, қишлоқ аҳолиси руҳиятидаги ўзгаришларга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Далил ва таҳлил

ТАФАККУР ЎЗГАРСА, ҲАЁТ ЎЗГАРАДИ

Бухоро вилояти бир қатор хўжаликларида бўлганимизда бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик

Хўш, шундай экан, бугунги ислоҳотларни одамларимиз қандай тушунишяпти? Ўзгаришлар зарурлигини англаб, янгиликка интиляптими? Биз бу ва бошқа саволларга жавоб топиш мақсадида яқинда Бухоро вилоятининг бир қатор хўжаликларида бўлиб, аҳвол билан танишиб чиқдик.

Эсингизда бўлса, мустақилликнинг илк йилларида ушбу вилоят пахтачиликда ҳам, чорвачиликда ҳам карвонбошилик қилар эди. Кейинги икки-уч йил давомида эса Бухоро вилояти қишлоқ хўжалигидаги кўрсаткичлар ўсиш ўрнига пасайиши кўзга ташланмоқда. Гап бу ерда у ёки бу соҳада режани ошириб бажаришда эмас, балки молиявий натижада, олинган даромадда. Нега шундай ачинарли ҳолат юз бермоқда? Ушбу саволимизни миришкор деҳқонларга ҳам, қишлоқ хўжалиги мутахассисларига ҳам бердик. Сирасини айтганда, деҳқон дангалини айтади, яширимайди. Мутахассис-чи? Об-ҳавога ва яна алламбало «объектив» сабабларга тақайди. Лекин бундан кимга наф?

Энди қуйидаги далилларга эътибор беринг: қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг қарорига кўра, Бухоро вилояти бўйича 8 та хўжаликни санациялаш амалга оширилаяпти. Уларнинг бугунги ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, баъзи жойда хўжалик раҳбарларининг нўноқликлари, айрим хўжаликларда эса янгиликка интилмаслик, ташаббуснинг йўқлигини кўрамиз.

Мисол учун, Қоракўл туманидаги «Бухоро» жамоа хўжалигининг 1996 ва 1997 йилги иқтисодий кўрсаткичларини солиштирганимизда ҳам ишга эскича ёндашиш, боқибеғамлик ҳоллари яққол кўзга ташланади. 1996 йилда хўжалик 35 миллион 182 минг сўм даромад қилди, лекин йилни 23 миллион сўм зарар билан якунлади. Чунки қилинган харажатлар 58 миллион сўмни ташкил этди. Бу ҳол 1997 йилда ҳам такрорланди, 50 миллион 300 минг сўмлик харажат қарийб 36 миллион сўмлик кўрилган даромадни йўққа чиқарди. Биргина пахтачилик ва дончиликдан 17 миллион сўм зарар кўрилди. Оқибатда маҳсулот таннархи қимматлашди. Бир центнер пахтанинг таннархи 1244 сўм ўрнига 2460 сўм, донники эса 615 сўм ўрнига 1065 сўмга етди. Бунинг сабаблари кўп: **биринчидан,** ерни аёвсиз равишда қийнаб ишдан чиқаришган, шўр ювиш, экин майдонларига маҳаллий ўғит чиқариш ишлари қониқарсиз бажарилган. Агротехника қоидаларига умуман риоя қилинмаган. **Иккинчидан,** асоссиз қўшимча харажатларнинг, яъни ёқилғи, маъданий ўғитларни сарфлашнинг кўпайиб кетгани бўлса, **бошқа сабаби** бу ерда ҳисоб-китобларнинг тўлиқ олиб борилмаганида. Натижада деҳқон йил бўйи тер тўкиб қилган меҳнати эвазига даромад қилмади. Раис бобо эса бундан ҳеч ташвишга тушгани йўқ. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг: хўжалик хазинаси бўш бўлса, одамлар йил бўйи меҳнат қилиб моддий манфаатдор бўлмасалар, қандай қилиб бу ерда қишлоқ хўжалиги ривожини кутиш мумкин?

Ғиждувон туманидаги «Оқолтин» жамоа хўжалигида ҳам 1997 йилда деҳқончилик режалари барбод бўлган. Пахта тайёрлаш 85 фоизга, дон маҳсулотлари бўйича 70 фоизга режа уддаланган, холос. Жамоа хўжалигида бўлганимизда ўттиз йилдан ошиқроқ деҳқончилик билан шуғулланиб келаётган бригада бошлиғи Турди Тўхтаев билан суҳбатлашдик.

— Бригадамиз 52 гектар майдонда деҳқончилик қиладик. Ўтган 1997 йил ёмон бўлмади, 171,4 тонна пахта етиштирдик, ҳосилдорлик 34,8 центнерни ташкил этди, режани 102 фоизга бажардик, — дейди у киши мақтаниб.

— Натижа қандай бўлди, қанча фойда кўрдингиз? — деб сўраймиз.

— Шу... фойданинг бироз мазаси йўқроқ-да.

— Нега, ахир режалар ошириб уддаланган бўлса...

Бригадир раисга қарайди.

— Қанча харажат қилдингиз? — деб яна қизиқиб сўраймиз.

— Харажатларни ҳаммаси ёзилган, раис акамиз биладилар. Шартномаларга қўл қўйганмиз, — дейди бригадир иккиланиб.

Ана холос, бу хўжалик юритишнинг бригада пудрати шаклида иш юритаётган етакчининг сўзлари. Қанча харажат қилинганини аниқ билмай туриб, шартномаларни номига тузиб, ҳисоб-китобни тўлиқ олиб бормасдан қандай ижобий натижага эришиш мумкин?

Мазкур тумандаги С.Жабборов номли жамоа хўжалигида эса 1 гектар ердан олинган даромад 62,7 минг сўм бўлган бўлса, қилинган харажатлар 68,6 минг сўмни ташкил этган. Натижада 802 гектар майдонда қилинган деҳқончиликдан 14 миллион 473 минг сўм зарар кўрилди. Қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш режалари барбод этилди. Пахта етиштириш режаси 85 фоизга уддаланди, холос. Хўжаликнинг колхозчилардан иш ҳақи бўйича қарзи бугунги кунда қарийб 12 миллион сўмни ташкил этади.

Деҳқон йил ўн икки ой далада тинимсиз тер тўкиб меҳнат қилсаю, ўз меҳнатининг самараси бўлган иш ҳақини ололмаса?! Бунга ким жавоб бериши керак? Албатта, раисда, дейсиз. Тўғри. Раислар охирги уч йилда уч марта алмаштирилди, ишдан олинди. Лекин муаммо ечимини топмасдан қолди-ку?!

Санация қилинаётган хўжаликлар орасида Шофиркон туманидаги Бобур номли жамоа хўжалиги ҳам бор. Бу хўжаликда кейинги йилларда сурункасига маҳсулот ишлаб чиқариш режаларини барбод қилиш анъанага айланиб қолган. Чунончи, пахта тайёрлаш бўйича ҳосилдорлик 1996 йилда 35,3 центнерни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 1997 йилда 24,1 центнерга тушиб қолган. Жамоа ўтган йилни 29 миллион 468 минг сўм зарар билан якунлади. Хўжаликнинг кредитор қарзлари 102 миллион 380 минг сўмни ташкил этади. Бу ерда деҳқончиликда ҳам, чорвачиликда ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилган. 1997 йилда 490 та қорамолдан 314 та, 1073 та қўй, эчкидан 618 та қолган холос. Бир бош сигирдан олинган сут режадаги 2500 литр ўрнига 777 литрни ташкил этди. **Мана кўрилган зарарнинг сабаблари.** Хўжалик раҳбарлари бўлса, куним ўтса бўлди қабилида иш тутишади. Янгилик, изланиш бу ерда кўзга ташланмайди. Чамаси, боқимандалик уларнинг яшаш тарзига айланиб қолгандай. Ахир раис ўз ишчилари тақдирини ўйламагани, ота ўз фарзанди тақдирига бефарқ қарагани эмасми? Бошқа биров келиб аҳволни ўнглаб бермайди-ку!

Жамоага 11 йил раис бўлиб, кетма-кет режаларни барбод қилган ва бунинг натижаси ўлароқ ўтган йили лавозимидан бўшатилган Маҳмуд Мажидов буни ўйлармиди? Очиғи бундай кадрларни 11 йил давомида ушлаб турган Шофиркон туман раҳбарларига ҳам қойил қолмайсан киши. Нега ишлаб чиқаришни барбод қиладиган хўжалик раҳбарларига нисбатан қатъий чоралар кўрилмаяпти? Яхшининг тақдирини халқ билади, халқнинг тақдирини мард билади, деганларидек Шофирконда ўз халқининг дарду ғамини юрагидан ўтказиб, унинг қадрига етадиган фидойи кишилар камми?

Кейинги йилларда биз юқорида тилга олган ушбу хўжаликларда сабзавотчилик, полиз экинлари, мева-узум етиштиришда ҳам раҳбарлар нўноқлиги, янгиликка интилмаслиги, хўжалик юритишнинг эски усулларидан воз кечмай, боқимандалик ботқоғига ботиб қолганликлари туфайли қолоқликка юз тутилди. Ажабланарлиси шундаки, вилоятдаги деҳқон бозорларини сифатли маҳсулотлар билан тўлдираётган деҳқонларнинг аксарияти шу хўжаликларда яшашади. Нега тоғаларидан излаш керакдир. Агарки, ер ҳақиқий эгасини топмас экан, қишлоқ хўжалигида юқори даромад, маҳсулот мўл-кўллигига эришиш мушкуллигича қолаверади. Буни ўз хўжалигининг эртанги тақдирини ўйлаган раҳбар тушуниб етиши лозим.

Бухоро вилоятида даромаддан буроманинг ошиб тушганлигини тадсиқловчи бошқа далил ва рақамлар ҳам анчагина. Буни техника воситаларининг эҳтиёт қисмлари йўқлиги сабабли кўплаб бекор туриб қолишлари, экин майдонларининг тўла экилмай қолганлиги, ернинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашганлиги, асоссиз қўшимча харажатларнинг кўпайиб кетганлиги ва оқибатда хўжаликларнинг тегишли даромад ололмаганликларида ҳам кўриш мумкин.

Вилоят қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг таҳлили, айрим хўжаликлар ва деҳқон (фермер) хўжаликлари фаолияти билан танишув қишлоқда иқтисодий ислоҳотлар анча суст бораётганлигини кўрсатмоқда. Хўжалик юритишнинг янги усулларини фаол жорий этиб, моддий рағбатлантиришнинг турли йўлларидан кенг фойдаланиб, экинларга агротехник ишлов беришнинг замонавий услубларини татбиқ қилиб, юқори молиявий самарадорликка эришаётган хўжаликлар ҳам бор.

Чунончи, мол-мулкка эгалик қилишнинг пайчилик асосида ташкил этишни тажрибадан ўтказаётган хўжаликлар ана шулар жумласига киради. Демак, **қаердаки раҳбар янгиликка интилса, ташаббускор бўлса, ўзини эмас, шу хўжалик аҳлини ўйласа, бу хўжаликда ер, мулк ўзининг ҳақиқий эгасини топган бўлса, ўша ерда натижа ҳам қувонарли, ўзгача.** Шундай хўжаликлардан бири Ромитан туманидаги «Халқобод» ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятидир. 1996 йилда ушбу ҳиссадорлик жамияти фаолияти пай ва пайчилик муносабатларининг оила пудратига асосланиб ташкил этилганди. Ишдаги самарадорликка жиддий эътибор, меҳнатни ташкил этишдаги аниқ тадбирлар хўжалик аъзоларининг меҳнатга иштиёқини ошириб мулкка бўлган муносабатларини ҳам тубдан ўзгартирди. Ер ҳақиқий маънода ўз эгасини топди.

Ҳиссадорлик жамиятида 1997 йилда 1689 гектар ерда деҳқончилик қилиб, шундан 1155 гектар ерга пахта экилди. Режадаги 4508 тонна ўрнига 4960 тоннадан ошиқроқ пахта етиштирилди, ҳосилдорлик 42,9 центнерни ташкил этди ёки 1996 йилга нисбатан бу кўрсаткич 6,1 центнерга ошди. Хўжаликда 24 та пахтачилик бригадаси бўлиб, жами пахта майдони 655 та пудратчига шартнома асосида бўлиб берилди. 1997 йил хўжаликда биргина пахтачиликдан 97 миллион 396 минг сўм даромад қилиниб, бу соҳадан олинган соф фойда етти миллион сўмдан ошди. Бундан ташқари дончиликда, сабзавотчилик, мева, узум етиштиришда ҳам ижобий натижаларга эришилди. Ҳиссадорлик жамиятида 2457 та пайчи бор. Уларга 40 миллион 51 минг сўмлик акция (гувоҳнома) тарқатилган. Хўжалик бўйича 1997 йилда олинган умумий соф фойда 5 миллион 78 минг сўмни ташкил этди. Шунинг 70 фоизи, яъни 3 миллион 554 минг сўми дивидендга ажратилди. Йил якунига кўра, ҳар бир ҳиссадор ўз улушига қараб бир акцияга 88,79 сўм дивиденд олди. Меҳнат қилган кам бўлмади.

Ҳиссадорлик жамиятида бўлганимизда шу ерда туғилиб ўсган лафзи ҳалол деҳқон-отахонлар билан суҳбатлашдик.

— Ёшим 75 да — дейди Файзулло бобо Бўронов, — Бутун умрим ерда, деҳқончиликда ўтди. Ҳозир пенсиядаман, шундай бўлсада 14800 сўмлик улушимга 1302 сўм дивиденд олдим. Оиламиз 6 кишидан иборат. Ҳар бир ишловчининг ўз улуши бор. Билсангиз, жамоамиз янгича ишлашга ўтганидан кейин одамларда меҳнатга бўлган муносабат ўзгарди. Натижа ҳам кўнгилдагидек, деҳқоннинг қўли пул кўрди, омбори донга тўлди, иззат-обрў ҳам топди.

Халқимизда «Ерни ишлаган билар» деган мақол бежиз айтилмайди. Дарвоқе, қимки ерга меҳр қўйиб ишласа, кўзланган натижасига эришади. Бунга Ғиждувон туманидаги «Зарафшон» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасида бўлганимизда яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Ўтган 1997 йилда ушбу хўжаликда 140 миллион 394 минг сўм даромад олинди. Харажатлар чиқариб ташлангандан қолган соф фойда 24 миллион 833 минг сўмни ташкил этди. Иш ҳақи бўйича хўжаликнинг ўз аъзоларидан қарзи йўқ. Бу ерда моддий рағбатлантиришнинг турли йўлларидан фойдаланиляпти. Деҳқон эса меҳнатидан манфаат кўраётганидан хурсанд.

Уюшмада тикув цехи, ғишт заводи, гилам ва кигиз тўқиш цехлари ишлаб турибди. Айрим хўжаликлардаги каби МТП хизмат ҳақини кўп олаяпти, деб ўтиришмасдан бу ерда туманлараро МТПга мукобил тарзда ўзининг трактор паркини шакллантиришди. Ҳозир шартнома асосида қўшни жамоа хўжаликларига ҳам техника хизмати, ҳам таъмирлаш хизмати кўрсатилмоқда.

Бироқ бундай хўжаликлар, афсуски жуда оз. **Кўпгина раҳбарлар ҳанузгача маъмурий-буйруқбозлик усулларидан воз кеча олмаяптилар. Худди мустақилликдан илгариги колхоз тузуми давридаги каби улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича миқдор жиҳатдан белгиланган топшириқларни ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам бажаришга интилмоқдалар. Фақат хўжалик раҳбарларигина эмас, балки аксарият бригада бошлиқлари ва деҳқонларнинг ўзлари ҳам ана шу эскича фикрлашдан қутула олмаган.** Улар ҳанузгача ўзларининг нўноқликларини, ишлаб чиқариш харажатларини давлат ҳисобидан кўпроқ маданий ўғитлар, уруғлик, техника ва маблағ олиш ҳисобига ёпиб юборишдек боқимандалик кайфиятида юрибдилар.

Айни чоғда ички хўжалик муносабатларини ўзгартириш, моддий ва иқтисодий манфаатдорликни ошириш, хўжалик аҳлини меҳнатга масъулият туйғусини кучайтиришдек муҳим ишларга вилоятда етарли эътибор берилмаяпти. Қатор хўжаликларда эса меҳнатга ҳақ тўлашнинг эскича тамойилларидан ҳали ҳам воз кечилгани йўқ, айни чоғда дивидендларни мол-мулк пайлари бўйича тарқатиш механизми кенг йўлга қўйилмаган.

Бир сўз билан айтганда, бозор муносабатлари қишлоқ хўжалигига, хўжаликлар фаолиятига ва раҳбарлар онгига ҳали чуқур сингиб боргани йўқ. Буларнинг барчаси вилоят қишлоқ хўжалигида иқтисодий муносабатларни тубдан янгилаш ва жорий этишни янги усул ҳамда механизмларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Бугун мамлакат миқёсида қишлоқда туб ўзгаришлар ясаш учун янги қонунлар, ҳуқуқий асослар яратилмоқдаки, эрта-индин у ўз натижасини бериши табиий.

Яқинда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда йўлбошчимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш масалаларига алоҳида тўхтаб, **«Қишлоқни ислоҳ қилишни нимадан бошлаш кераклигини мен бир неча бор, қайта ва қайта айтганман — буни эвваламбор, далада тер тўкаётган кишилар тафаккурини ўзгартиришдан бошлаш керак»,** дея қатъий таъкидладилар. Дарҳақиқат, **тафаккур ўзгарса, ҳаёт ўзгаради.** Ўйлаймизки, Бухоро вилояти деҳқонлари ҳам тафаккурни ўзгартирган, янгича фикр юритган ҳолда янги қонунларга асосланиб, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан бориб, деҳқончиликда Бухоро шуҳратини қайта тиклайдилар, **қишлоқ истиқболи — юрт истиқболи** эканлигини самарали меҳнат натижалари билан амалда исботлайдилар.

Азимжон ЖЎРАЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.

Сиёсий иқлим

ҲАЁТИЙ МУҲИМ ТАКЛИФЛАР

Икки қўшни давлат — Туркия ва Юнонистон бутун минтақа учун манфаатли муносабатлар, алоқаларни йўлга қўймоқда. Шуниси қувончлики, илдизи узоқ йилларга бориб тақаладиган низоли масалалар дўстона ва хайрихоҳлик муҳитида, жаҳон сиёсий меъёрлари доирасида ҳал этилмоқда.

Айрим расмий маҳкамаларнинг маълумотига кўра, Туркия билан Юнонистон ўртасида Эгей денгизи билан боғлиқ қатор муаммолар мавжуд. Бу эса икки давлат ўртасида айрим ўринларда кескинликни юзага келтирмоқда. Бундай жиддий вазиятнинг олдини олиш учун иккала томон ҳам бор имкониятларни ишга солаётир. Томонлар бир ёқлама ҳаракатлардан тийилиб, бир-бирларининг Эгей денгизидаги манфаатларини ҳурмат қилиш билан бирга жиддий келишув жараёнини бошлашлари зарурлигини бутун дунё кўриб турибди. Бу борада Туркия томони бир неча муҳим таклифларни расмий равишда ўртага ташлади. Таклифлар эса қуйидагилардан иборат. Аввало, келишув жараёни доирасида Эгей денгизи билан боғлиқ барча муаммолар кўламини аниқлаб, уларни бартараф этиш учун яхши ният ва ғайрат билан киришиш лозим. Бу -- икки давлат ўртасидаги Эгей денгизига алоқадор барча муаммоларни тинч музокаралар йўли билан бартараф этиш сари қўйилган биринчи қадам бўлур эди.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш учун Туркия ва Юнонистон ўртасидаги муносабатлар мазмунини ташкил этувчи муҳим тамойил ва мажбуриятлардан иборат 1997 йил 8 июль кунги Мадриддаги келишувни икки давлат ҳам расмий ҳужжат сифатида қабул қилиши зарур. Мадрид келишуви ҳужжатлари Туркия ва Юнонистон ташқи ишлар вазирлари томонидан қабул қилинган бўлиб, Туркия жумҳурияти Президенти ва Юнонистон Бош вазири томонидан тасдиқланган. Томонлар НАТО бош котибияти билан ҳамкорликда «Хавфсизликни мустаҳкамловчи чоралар» тадбирлар мажмуини татбиқ этиш ва ривожлантириш борасида мажбуриятлар олишлари керак. Икки томоннинг ҳам мутахассислар гуруҳи кечиктирмасдан ҳар иккала давлат ёки бошқа чегарадош давлатларнинг ҳам иштирокида мазкур масала юзасидан тегишли қарорга келиши, кўзда тутилган мажбуриятларнинг бажарилишига сўзсиз риоя этиши ҳамда бу борада тегишли маҳкамаларга ёрдам кўрсатиши зарур. Муҳими, таклифлар томонлардан ҳеч бирининг манфаатларига зид келмаслигидир.

Туркия томонининг амалий таклифларидан яна бирини алоҳида таъкидлаш лозим. Унга кўра, Туркия Юнонистонни шу йил март ойи охирига қадар Анқара ёки Афинада икки давлат ташқи ишлар вазирлари ўртасида юқори даражада учрашув ўтказишга даъват этади. Бу ташаббус Юнонистон томонидан ҳам қўллаб-қувватланади ҳамда мазкур муаммоларни ҳал этиш йўлида яхши ният билан қўйилган қадам бўлиб қолади, дея ўйлаймиз. Бу тинчликнинг сақланиши ва икки давлат ўртасида яхши қўшничилик муносабатлари ривожланишига ҳисса қўшади. Шу каби мавжуд имкониятлардан фойдаланиш икки давлат ўртасидаги муаммоларни ҳал этиш жараёнига дебоча бўлур эди. Айни чоғда бошқа соҳаларда мавжуд бўлган ҳамкорлик имкониятларининг турк ва юнон халқлари манфаати учун ривожланишига йўл очилади.

Шубҳасиз, ҳар икки давлат ҳам муаммолар халқаро ҳуқуқий асосда ҳал этилиши тарафдори. Шу тушунчадан келиб чиқиб, Туркия келишмовчиликларни тинчлик йўли билан ҳал этишда Юнонистонга ҳам мақбул вариантларни кўриб чиқишга тайёр эканини билдиради. Бу муаммони ижобий ҳал этиш, дея ҳисоблайди Туркия томони, Туркия ва Юнонистон ҳукуматларининг авлодларга қолдирадиган энг катта «мероси» бўлади.

Салим АШУРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Инсон ҳуқуқлари

ФУҚАРО ҲУҚУҚЛАРИ УЧУН ҲАРАКАТ

Франклин Рузвельт ва II Жаҳон Уруши Америка Қўшма Штатларини ҳаракатга келтирган ўзгартиришлар африкалик-америкаликларнинг ҳам озодлик имтиёзларидан тўлиқ баҳраманд бўлиши жараёнига туртки берди. Тўлиқ фуқаролик ҳуқуқларини кафолатловчи Ҳуқуқлар Билли, АҚШ Конституциясига қўшимчалар ва президентнинг қатор ижроия буйруқларига қарамай, африкалик америкаликлар кенг тарқалган, мудҳиш ва қўпинчалик қонунлаштирилган дискриминациядан озор чекарди.

Урушдан кейинги йилларда африкалик америкаликлар тобора безовта бўла бошлади. Уруш пайти улар ҳарбий хизмат ва меҳнат соҳаларида дискриминацияни чекинтириб, муайян мақсадларга эришдилар. Миллионлаб қоратанлилар жанубий фермаларни тарк этиб, яхшироқ иш топиш умидида шимолий шаҳарларга силжиди. Аммо бунинг эвазига шаҳар харобаларида ғуж яшашга мубтало бўлдилар. Ҳарбий хизматдан уйга қайтган қоратанлилар иккинчи даражали фуқароликни рад этиб, ирқий тенглик талаб этиш пайти етиб келганини билдирди.

Жанубдаги қоратанлилар эса энг ақалли фуқаро ва сиёсий ҳуқуқлардан баҳраманд бўлишган ёки умуман уларга эришмаган. II Жаҳон Урушида бир миллиондан ортиқ қоратанли аскарлар жанг қилди, бироқ Жанубдан сафарбар этилганлар сайловда овоз беролмади. Овоз бериш учун рўйхатдан ўтишга уринган қоратанлилар эса калтакланди, ишдан айрилди, кредит ололмади ёки ўз еридан ҳайдалди. Линч судлари ҳамон содир бўлиб турар ва Жим Кроу қонунлари автомобиллар, трамвайлар, меҳмонхоналар, ресторанлар, касалхоналар, дам олиш воситалари ва ишга ёллашда ирқий фарқлашни сақлаб турарди.

Демократлар вакили бўлган президент Гарри Трумен фуқаро ҳуқуқлари учун кампанияни қўллаб-қувватлади ва Конгрессга 10 банддан иборат фуқаро ҳуқуқлари программасини юборди. Жанублик демократлар кучли фуқаро ҳуқуқлари программасини юборди. Жанублик демократлар кучли фуқаро ҳуқуқлари киритилишига норозилик билдирганда, 1948 йили Демократик партияни тарк этган Трумен федерал иш жойларига ёллашда дискриминацияга тўсиқ қўйувчи ижроия буйруқ чиқариб, қуролли кучларда тенг битим тузилишини фармон этди ва ҳарбий соҳада ирқий фарқлашга барҳам бериш учун комитет тайинлади.

Қоратанлилар иш жиловини ўз қўлларига ола бошлади. Қуллик бекор қилингандан кейинги йиллар давомида қоратанлилар ўзга америкаликларга кафолатланган ҳуқуқларга эришиш учун қатор ноҳукумат ташкилотлари туза бошлади. Улардан энг нуфузлиларидан бири Рангли одамларнинг ривожи миллий уюшмаси (РОРМУ) 1909 йили таъсис этилиб, унинг ишида тенг адолатга ишонган ўзга халқ вакиллари ҳам иштирок этган.

II Жаҳон Урушидан кейинги ўн йил мобайнида аввалига оддий адвокат, сўнгра РОРМУнинг бош ҳуқуқшунос маслаҳатчиси ва ниҳоятда АҚШ Олий Судида хизмат қилган илк қоратанли Таргуд Маршалл мамлакат узра юриб, ирқий сегрегацияга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини барпо этди. «Халқ таълим вазирлигига қарши Браун» суд иши юзасидан АҚШ Олий Суди чиқарган ажрим қарори давлат мактабларида қора ва оқтанли ўқувчиларни айри ўқитишни ноқонуний деб топди. Бир йил ўтгач Олий Суд бу қарорни маҳаллий мактаб кенгашлари ҳаётга «эҳтиёткорона тезлик билан» татбиқ этишини талаб қилди.

Олий суднинг қарорига қарамай қоратанли америкаликлар жамиятда тўлиқ интеграцияга эришиш йўлидаги суст ҳаракатларни тезлаштиришга интилдилар. 1955 йил 1 декабрида сегрегациянинг жанубдаги қалъаси бўлмиш Алабама штатининг Монтгомери шаҳрида биринчи кўринишда арзимас бўлган ҳодиса замонавий Фуқаро ҳуқуқлари ҳаракатини авж олдирди. Роза Паркс исмли африкалик америкалик аёл Монтгомери шаҳар автобусида ўз ўрнини Алабама штатининг қонунига биноан оқтанли эркакка бўшатиб беришдан бош тортди. Уни ҳибсга олишди.

Баптист черковининг руҳонийси Мартин Лютер Кинг бўлмаганида, бу аёлнинг очиқ исёни ном-нишонсиз сўниши мумкин эди. Бироқ Кинг шаҳар давлат нақлиётлар системасига қарши 382 кунлик бойкот ўтказиб, шаҳар маъмурларини ўз муносабатини қайта кўриб чиқишга ундади.

1960 йили Шимолий Каролинадаги қоратанлилар учун колледж талабалари ирқий фарқлаш асосидаги нонушта столига ўтириб, хонани тарк этишдан бош тортдилар. Уларнинг ўтириш исёни оммавий ахборот воситаларининг диққатини ўзига жалб этиб, шунга ўхшаш намойишлар Жануб узра ёйилди. Келгуси йил фуқаро ҳуқуқлари тарафдорлари «озодлик рейдлари»ни ташкил этиб, қора ва оқтанлилар жанубдаги ирқий фарқлашга асосланган бекатлар томон йўналувчи автобусларни ишғол этди.

Мартин Лютер Кинг мазкур фаолиятга ҳам алоқадор бўлди. Умр бўйи зўравонликка қарши ҳаракат ҳимоячиси бўлган Кинг ўзга руҳонийлар билан биргаликда жанубий христиан раҳбарияти конференциясини таъсис этди. Унинг мақсади -- расизм ва дискриминацияга қарши зўравонликсиз кураш эди. Бироқ ирқий адолат ўрнатиш йўлидаги курашда у «Американи матлуб даражага кўтариш учун» ўзга кўплаб ташкилотлар билан ҳам саъй-ҳаракатларни бирлаштирди.

Фуқаро ҳуқуқлари ҳаракати тарихида кўплаб муҳим босқичларни санаб ўтиш мумкин. Шулардан энг диққатга сазоворларидан бири -- 1963 йил августида Вашингтондаги Абраҳам Линкольн мемориалида 200.000 қора ва оқтанли америкаликларнинг йиғини. Халойиқ олдида кўплаб нотиқлар сўзлади, бироқ Кинг ўша куннинг қаҳрамони бўлди. Олдиндан тайёрланган нутқини четга суриб, Кинг дилдан отилувчи сўзларни жаранглатди. «Менинг бир орзуим бор ва у Америка орзуига чуқур илдиз отган. Менинг орзуим -- шундай кун келадики, бу халқ уйғонади ва ўзининг қуйидаги эътиқодига биноан кун кечиради: «Биз мазкур ҳақиқатларга ўз-ўзидан аён бўлгани учун риоя этамиз; шулардан бири -- барча инсонлар тенг этиб яратилган».

Кинг 1964 йили АҚШ Конгресси барча жамоат жойларида дискриминацияни қонунга хилоф деб эълон қилган Фуқаро ҳуқуқлари Қонуни ва 1965 йили жойлардаги масъул ходимлар қоратанлиларни сайлов рўйхатларига киритмаган тақдирда уларни рўйхатдан ўтказиш учун федерал ҳукуматга махсус ходимлар тайинлаш ҳуқуқини берувчи Сайлов ҳуқуқлари Қонунини кўришга муяссар бўлди. Бу қонун чиқарилганидан кейин бир йил ўтгач, 400.000 қоратанлилар Жануб марказида сайлов рўйхатларидан ўтди. 1968 йили Кинг аксарияти қоратанли ва қашшоқ бўлган санитария соҳаси ишчиларининг ҳуқуқларини ҳимоялашга Теннесиннинг Мемфис шаҳрига борганида қотил узган ўқдан ҳалок бўлди.

Кингнинг асосий мақсади -- африкалик америкаликларнинг тенглигига эришиш эди, бироқ Кинг расизм нафақат Америка, балки бутун дунё миқёсидаги муаммо эканлигини идрок этарди. «Замонамизнинг маъновий мажбуриятлари борасида биз расизмнинг сўнгги қолдиқларини йўқ қилиш учун собит қатъийлик ила бутун дунё узра ҳаракат қилишга ундалганмиз. Эндиликда бу биргина Америкага хос ҳодиса эмас. Унинг қабиҳ исканжаси жуғрофий чегара билмайди».

(«Инсон ҳуқуқлари. Кириш» китобидан)

Дунё ва адабиёт

Ленгстон ХЬЮЗ

ОЗОДЛИК ЎТЛИСИ

Кунсўзлардан[1] ўқидим
Озодлик ўтлиси[2] ҳақинда.
Унсўз[3]лардан тингладим
Озодлик ўтлиси ҳақинда.

Қарамоққа кетдим
Озодлик ўтлисини.
Ё, раб, қандай қутдим
Озодлик ўтлисини.

Бу ерга, Диксида, Жанубда қонунлар шундоқ:
Оқларга берилар, қаторлар[4] оқ-нок,
Қораларга — бошқа, масалан, «Жим Кроу».
Демак, қораларга қора йўлга кирувчи,
ундан ўтувчи, ўтиб минуви, ўтируви
керакми Озодлик ўтлисига?
Кўриниши қандай экан
Озодлик ўтлисининг?

Овоз олармикан рангпар халқлар, қора танлилар,
Бўлармикан овозга эга,
Қўйишарми уларни Озодлик ўтлисига?
Тўкис айтиб беринг менга,
Озодлик ўтлиси тўғрисида.

Мана, Бирмингемдамиз.Кутиш зали. Гумбазлар, Бекат.
Деворга илинган шармандали икки тахтакач:
«Оқлар—чапга», «Қоралар — ўнгга».
Бу айро йўллар аро ўтиб, сўнгра
Ўтирамиз Озодлик ўтлисига?
Очинг барча ҳақиқатни
Озодлик ўтлиси тўғрисида!
Болаларим савол бериши мумкин:
— Кўрсаткичлар бунда, осилган нечун:
«Оқлар учун», «Қоралар учун?»
Чиқмадими урфдан?
Ўнгмасми туси?
Нимадир ўзи
Озодлик ўтлиси?

Унутиб қарилигин ва титилган ўтмишин,
балки сўрайди бувим шу Озодлик ўтлисин?
Журъатсиз борар шўрлик бекат майдони бўйлаб,
— Қайт, қора кет, — бақирар оқ — жўна тезроқ,
ҳей, сен! Қўйлар
Перрон — кутиш майдончаси, фақат олий ирқ учун!
— Чиптахона қайда, сэр. Ҳурлик Қатори — Эрк учун!

Шўрлик набираси жувонмарг бўлди,
Фашистларла қонли жангларда ўлди
Шуҳрат учун эмас, ҳурлик, эрк учун.
Озодлик Ўтлиси, унда, не учун?!
Шунчаки қўрмоқми?!
Қора халқ не қилсин?
Эрк ўтлиси ҳақинда
Жимми ҳам билсин!

Озодлик ўтлиси ҳали чинакам
барпо бўлар, Жимми у деб чеккан ғам —
қурашган, бўлмайди унда тахтача:
«Қоралар—ўнгга»ю, «Оқ танли—чапга»!
На сиёсий олғир, на мэр-икки юз,
бизни қутиб олмас бекатда ҳануз.
Бизга даркор эмас бундай ҳайъатлар,
бизга пешвоз чиқар боғлар — ҳаётлар,
унда камситгувчи маҳалла бўлмас,
оламни ажратмас, инсонни бўлмас,
таъқиқлар йўқолган, умидлар сўлмас!

Қардошлик мозорин тутар жаранги —
қўшиғин қаҳрамон марҳум Аскарнинг:
«Бизлар ишонгандик!»
Мана, шу Ўтли.
У сенинг.
У менинг.
Бунданда қимматли сўз йўқ жаҳонда!
Ҳайқираман:
Яшасин Озодлик Ўтлиси!
Бўлгин омонда!
Мана, у. Пўшт! Пўшт!
Ў, осмон!
Осмонлар кўҳлиси!
Чинакам
Озодлик ўтлиси!
Ифорли шамоллар
Урилар кўксимизга!
Дадилроқ чиқинглар Озодлик ўтлисига!

1. Рўзноманинг ўзбекчаси, туркчаси.
2. Поезднинг туркманчаси, хоразмчаси.
3. Радионинг қирғизчаси.
4. Вагоннинг озарбайжончаси. (таржимон)

ҲАЁТ ГЎЗАЛ

Тушдим шитоб дарёга
иштиёқ дастида мен,
ўйлашга вақт қаёқда,
отдим — сув остида мен.
Шўнғиб чиқдим бир — икки,
чўкар эдим эҳтимол,
сув бўлганда илиқроқ,
дарё эса телбаҳол.

Афсус, дарё сув шундай совуқ.
Кўтарилдим лифтда мен,
пастда йигирма қават,
сени эслаб ўйладим;
сакрасамми бешавқат?

Бир маъюслик ўради,
бўлдим кўп паришонҳол,
сал-пал пастроқ бўлсайди,
ташлар эдим эҳтимол.

Лекин баланд,
қарамоқ даҳшат!
жимирлар бадан!

Тирик қолдими, демак,
яшайман олга қараб,
туғилдимми — ишқ боис
ўлмоқ учун қалтираб?!

Кўрасан тўлишимни,
ҳайқирғим тинглайсан,
кўрмайсан ўлишимни,
истамайман, ўлмайман!

Ҳаёт бу майдан
кўра
ширин туш
ўнгигача,
ичаман сўнгтигача!

ТУҒИЛИШ

Ў, юлдузлар туғилган
мўъжизалар майдони,
нур сочди қуёш,
ёритди ой,
ва мен, шоир,
зулматта ёғмоқ учун,
чақиндай чақмоқ учун,
юракни ёқмоқ учун.
қилиб қандайдир ниёнон
тунларга тақмоқ учун
ва қандайдир сўз билан
порлаб,
тўлиб,
сочиб нур,
нур бўлиб боқмоқ учун,
янграб, жаранглаб,
яна
шуъладай балқмоқ учун!

Йўлдош ЭШБЕК
таржимаси.

Фойдадан холи эмас

ҚАҲВА «ОРТИҚЧА ЮК»ДАН ХАЛОС ЭТАДИ

Эрталабки бир пиёла қаҳва одам танасидаги «ортиқча вазн»ни йўқотаркан. Бу соҳанинг мутахассиси, доктор Льюис Лэндсбергнинг таъкидлашича, қаҳва таркибидаги кофеин инсон организмидаги модда алмашинуви жараёнини тезлаштиради. Агар одатдагидан кам миқдорда озиқ-овқат истеъмол қила туриб, эрталабки қаҳвани канда қилмасангиз тез орада сезиларли даражада вазн «ташлайсиз».

— Парҳез тутаётганлар кўпинча оз-оздан каҳва ичиб рекорд «курсаткич»га эришяпти, — дейди доктор.

Парҳез сақлаш бўйича мутахассис доктор Кэтрин Гайсслернинг изоҳлашича эса: «Ҳар сафар овқатдан сўнг бир пиёла қаҳва ичиш тез суръатда «вазн ташлашга» олиб келади. Ҳоним озиш учун узоқ тажрибалар ўтказди ва охирги хулосаси шундай бўлди: бир пиёла қаҳва «озиш учун қўлланадиган бошқа парҳезларга нисбатан 4 фоиз фойдали» экан.

Саида ЙЎЛДОШЕВА
тайёрлади.

ПРЕЗИДЕНТЛАР АПРЕЛДА УЧРАШАДИ

Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов апрель ойининг иккинчи ярмида Америка Қўшма Штатларига ташриф буюради ва 23 апрель куни АҚШ Президенти билан учрашади. Бу ҳақда Туркманистоннинг АҚШдаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳалил Ўгур хабар қилди. Унинг таъкидлашича, музокаралар чоғида икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро манфаатли алоқалар, хусусан, Каспий денгизи қаъридаги табиий бойликларни ўзлаштириш ва бошқа масалаларни муҳокама қилиниши кутилмоқда.



СЕУЛ КЎЧАЛАРИДА.

ХАЛҚАРО ҚИДИРУВ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Интерпол 1975 йилда Бангладеш Халқ Республикаси асосчиси Мужирбур Раҳмонни ўлдиришда айбланган тўққиз нафар бангладешлик жиноятчини топиш мақсадида халқаро қидирув эълон қилди.

Бангладеш айни пайтда АҚШ, Зимбабве, Канада ва Таиланд ҳукумати билан мазкур мамлакатларда яширинган бангладешлик бир гуруҳ жинноятчиларни тутиб бериш борасида ҳам музокаралар олиб бормоқда. Жиноятчилар мамлакатнинг ҳозирги Бош вазири Хасини Вазеднинг отасига суиқасд қилишда айбланмоқда.

ТАШКИЛОТ
Полипропилен ун қопларини (50 кг) СОТАДИ
Телефонлар: 132-15-45, 132-15-39.

БАЛЧИҚ — БЕБАҲО ШИФО

Шифокор маслаҳати

Тан олиш керакки, кейинги йилларда кўплаб кимёвий дори-дармонлар ишлаб чиқарилмоқда. Лекин тўғрисини айтсам, бу дориларнинг инсон организмига фойдаси ҳам, зиёни ҳам бор. Хўш, шундай экан, организмга кам таъсир кўрсатадиган қандай дори-дармон ёки гиёҳлар билан даволанмоқ даркор?

Республика саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий-текшириш институтимизда шифобахш чўкма—балчиқ билан даволаш бўлими шифокорлари мана бир неча йиллардан буён инсон саломатлигини тиклаш йўлида саъй-ҳаракат қилиб келмоқдалар. Бўлимимиз дастлаб ташкил топган кезлари шифобахш балчиқнинг камлиги, уни сақлаш имконияти йўқлиги сабабли шифо истаб келган беморларга намунали хизмат кўрсатолмасдик. Лекин кейинги йилларда академик Карим Йўлдошев раҳбарлигида бунга чек қўйилди. 1986 йилда бўлим қайта таъмирланиб, балчиқ сақловчи ҳовузларни эски балчиқдан тозалаш ва янгилари билан тўлдириш ишлари олиб борилди. Автоматик услубда ишлайдиган механизм қурилди. Айни кунларда биз Жиззах вилоятининг Балиқли қўлидан етарли миқдорда балчиқ келтириб беморларни даволяпмиз. Шундан бўлса керакки, ҳар йили шифо масканимизда минглаб кишилар даволанишади.

Хўш, балчиқнинг бемор организмига қандай фойдаси бор? Табиатнинг бундай бебаҳо инъоми билан бўғин ҳаракати, умуртқа поғонаси хасталикларини, буйрак, бод ва кўплаб касалликларни даволаш мумкин. Бу билан балчиқ барча хасталикларга даво, деган фикрга бормаслик лозим. Ундан нотўғри фойдаланиш ҳам ярамайди. Буғма, сил, юрак, буқоқ билан оғриган беморлар балчиқ муолажасини олишлари мумкин эмас. Чунки, у бундай организмларга салбий таъсир қилиши мумкин. Ундан фойдаланишнинг ҳам ўзига хос қонун-қоидалари бор. Бунга алоҳида эътибор бериш лозим. Шунингдек, ҳомиладор аёлларнинг ҳам балчиқ билан даволанишлари маън этилади.

Ўтган йиллар ичида минглаб инсонлар масканимизда бўлишди. Ихлос — халос дейдилар. Аввало ҳар бир инсон ихлос қилса тезда дарддан фориғ бўлади. Шифо топади. Бу борада шифо масканимизнинг ўзига хос ва мос йўл-йўриқлари бор. Мақсадимиз юртдошларимиз саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилишдир.

Зулайҳо МЕЛИЕВА,
олий тоифали шифокор.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «Сиёсий маърифат ўқув маркази»
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик, 5. Телефон: 139-14-69.

«Ўқитувчи» нашриёти жамоаси Умумий педагогика ва психология адабиётлари таҳририятининг катта муҳаррири Каромат Дўсматовага отаси **Эрмат ДЎСТМАТОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 3 mart, seshanba № 27 (22.264).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Vatanni sevmak iymondandur!

ЎЗЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ

Мамлакатимизда спортнинг кураш турига қизиқиш ортиб бормоқда. Минглаб ёшлар кураш майдонларида маҳорат кўрсатиб, халқаро беллашувларда эътибор қозонмоқдалар. Хусусан, дзюдочилар қўлга киритаётган муваффақиятлар ҳам чакки эмас. Хусусан, полвонларимиз Мюнхен шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақада мухлису мутахассислар олқишини олишди. Улар бир йил аввалги иштирокларидан фарқли ўлароқ ғолиблик супасига кўтарилиб, эътибор топдилар. Фарҳод Тўраев билан Камол Муродов олтин медаль билан қайтишган бўлса, Алишер Мухторовга бронза медали насиб этди.

ЮТУҚ БЎЛСА, ҚАНИЙДИ

Бир пайтлар ишқибозлару футболчилар Осиё кубоги учун курашларда иштирок этишни орзу қилишар эди. Мана мустақиллик шарофати билан қатор йиллардан бери футбол жамоаларимиз ана шундай нуфузли баҳсларда қатнашиб келишмоқда. Зеро ишқ бошқа-ю ҳавас бошқа деганларидек, йигитларимизнинг иштирокларидан ҳамон кўнглимиз тўлмаяпти. Хусусан, «Навбаҳор» футболчиларининг бу йилги иштирокига умид боғлаган эдик. Ҳар қалай йигитларимиз Осиё кубок эгалари кубоги учун курашнинг чорак финалига чиқишган бўлсада, ҳал қилувчи баҳсларда панд бериб қўйишди. Улар Ливанда мезбонларнинг «Ал-Ансор» ҳамда Эроннинг «Ферузий» жамоалари билан дуранг ўйнаб, Саудия Арабистонининг «Ал-Ҳилол» футболчиларига ютқазишди. Навбаҳорчиларнинг ярим финалга чиқиб, курашни давом эттиришлари учун йирик ҳисобли ғалаба даркор эди. Афсуски, икки дурангда имкониятни бой берилгани мақсад йўлида уринишларни ҳам поймол этди.

Спорт

Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлигида

Болаликда кўчаларимиздан узлуксиз машиналар қатнаса, деган хаёлга борардик. Зеро, неки қилсанг орзу, бор унда тош-тарозу, деганларидек кўчаларимиз шундай серқатнов бўлиб кетдики, гоҳида сел тошқинидай уларни эплаштириш ҳам оғир кечмоқда. Албатта, пойтахтимиз кўчаларининг осойишталиги, транспорт ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашда шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси Давлат автомобиль назорати хизматчиларининг зиммасига фахрли ва масъулиятли вазифа юкланган. Яқинда эса республика Вазирлар Маҳкамасининг март ойида «Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги»ни ўтказиш тўғрисидаги фармойиши эълон қилинди. Шу муносабат билан Тошкент шаҳар ДАН бошлиғи, милиция подполковниги Махмуджон ЮСУПОВ ўз мулоҳазаларини баён этди.

—Дарвоқе, кўчаларимизда транспорт ҳаракати бехатар давом этса, кўпчилик бизнинг номимизни тилга олмаслиги ҳам мумкин. Аммо, бугунги кунда истаган чорраҳа ёки серқатнов имкон қадар йўл-транспорт ходисаларини камайтириш. Аммо биз қанчалик ҳаракат қилмайлик бевосита ва билвосита ҳодисалар булиб туради. Хусусан, кейинги вақтларда пойтахтнинг ходисалар юзага келаверади.

Рақамларга эътибор қилайлик: ўтган йили юз берган транспорт ходисалари бурноғи йилги 2302 тадан 2338 тага кўпайди. Тан жароҳати олганлар эса 2600 тадан 2718 тага етган. Аммо, халок бўлганлар 232 тадан 227 тага камайган. Шунингдек, кузатишлар йўловчиларнинг эҳтиётсизлиги ёки болалар айби билан юз берган ходисалар ҳайдовчиларнинг ножўя ҳаракатлари туфайли содир бўлган

га ўриняпмиз. Ҳукуматимиз ва шаҳар хокимлиги томонидан йўлларни кенгайтириш, мослаштириш ва узайтириш чоралари кўрилмоқда. Хавфсизликни таъминлаш йўлида жамоатчиликка суяниб иш кўряпмиз. Хусусан «Диққат, пиёда!», «Диққат, болалар!», «Тоза ҳаво!» каби тадбирлар ўтказиляпти. Бултур 12 та янги йўлчироқ ўрнатилди, кўчаларга 326 та белги осилди. 2561 та йўл белгиси алмаштирилди. Автохўжаликларда 321 маротаба текширув ўтказиб, 8121 та транспорт воситасининг носозлиги аниқланди. Камчилик ва хатоларга йўл қўйган мансабдор шахс ва ҳайдовчиларга маъмурий чоралар кўрилди.

Жиноятчиликка қарши курашиш асосий хизматлардан саналади. Жиноятчининг ниятига ета олмаслиги йўлига ғов солиш ва олдини олишга ҳаракат қиляпмиз. Бултур ходимларимиз томонидан 2054 та жиноят фош этилди. Улар орасида қасддан ўлдириш, босқинчилик, талончилик, машина олиб қочиш, ўғрилик, наркотик моддалар билан шуғулланиш, безорилик, рухсатсиз қурол сақлаш каби жиноятлар бор. Биз ҳам йўл транспорт ходисаларининг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашда замон талабларига мос равишда иш кўришга интиляпмиз. Бунинг учун ходимларимиз Германия ва Японияда ишлаб чиқарилган алоқа воситалари ва бошқа техник жиҳозлар билан таъминланмоқда. «Опел», «Доган», «Мерседес-Бенс» ва «Хонда» каби қулай, енгил машиналардан фойдаланяпмиз. Яқинда яна 20 та «Нексия» машинаси қабул қилиб олдик. Бундай ғамхўрликка жавобан ДАН хизмати ходимлари ҳам ўзларининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашда, ҳар бир йўловчини манзилига бехатар элтиш йўлида саъй-ҳаракат қилаверамиз.

Баённи Абдураҳим ХАЛИЛОВ ёзиб олди.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ — (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ— (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Ҳатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс— 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир М. МИРФАЙЗИЕВ, навбатчи М. БОБОЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 36136 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 01046

Босишга топшириш вакти -21.00. Топширилди 21.20.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ЙЎЛЛАРИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

Аён ва баён

узида йилига 25 минг атрофида турли транспорт воситалари рўйхатга олинганлигининг ўзи кўчаларимизда ҳаракатлар тобора тирбандлашиб бораётганидан нишонадир. Ўйлаймизки, бунда ҳам бозор иқтисодиётининг таъсири йўқ эмас. Аввало дўкон пештахталари тобора хилма-хил моллар билан тўлиб бораётганлигига қарамай, нарх навода беқарорлик бор. Бу албатта табиий. Одамлар эса ўзларига керакли нарсаларни харид қилиш учун арзонроқ ва мосроғини қидириб, шаҳарнинг у четидан бу четига «изғийдилар». Айни пайтда турли транспорт воситасидан фойдаланишга тўғри келади. Бундан ташқари кўпчилик ишга, ўқишга ва турли юмушларга отланган булади. Ҳамма ҳам узоғини яқин қилгиси келади. Қарабсизки, гоҳида пиёдаларнинг ёки шошқалоқ ҳайдовчиларнинг айби билан турли воқеаларга қараганда камроқ эканлиги аён бўлди. Демак, ҳайдовчилар кўпроқ қоидабузарликка йўл қўйишаётган эканда, деган савол туғилиши мумкин. Айтайлик, бултур турли ходисаларнинг 92 таси транспортни маст ҳолда бошқариш, 87 тасида тезликни ошириш, 348 тасида чорраҳада «чап» беришга уриниш, 252 тасида ҳайдовчи гувоҳномаси бўлмаган ҳолда транспортни бошқариш йўли билан содир этилгани аниқланган. Албатта бу ходисаларнинг аксарияти тўқнашув, урилиш, ағдарилиш ва пиёдаларни уриб кетиш билан боғлиқдир.

Ҳар қандай нохушликнинг олдини олиш йўлида саъй-ҳаракат қилинмаса оқибати яхши бўлмаслиги сир эмас. Шу мақсадда шаҳримизда жами узунлиги 4200 километрдан ортиқроқ йўлларда хавфсизликни таъминлашга имкон қадар йўл-транспорт ходисаларини камайтириш. Аммо биз қанчалик ҳаракат қилмайлик бевосита ва билвосита ходисалар булиб туради. Хусусан, кейинги вақтларда пойтахтнинг

Юлдузлар шуъласи

Кулги — инсонни ёшартиради. Кишига кучқувват бағишлайди. Халқимизнинг таниқли кулги устаси Шерали Ҳожиев муштарийларга яхши таниш. Келинг, яхшиси Шерали Ҳожиевнинг ўзидан эшитайлик:

—Ўзингизни бахтлиман деб ҳисоблайсизми?

— Худога минг қатла шукр, бахтлиман. Оилам, фарзандларим, севган касбим, садоқатли дўстларим, кулгисевар халқимиз бор. Шуларнинг ўзи бахт эмасми?

— Машҳурмисиз?

— Мақтанчоқликка йўймангу, элимиз танийди.

Демак, ўзига хос машҳурман. Биров «Мўтти», яна кимдир «Маърифшариф», деб чақиради. Мен учун машҳурлик ана шу.

— Сиз қизикчими ёки актёр?

— Иккаласи ҳам эмасман. Мен — санъаткорман.

— Унвонга муносабатингиз қандай?

— Хоҳ у санъаткор, хоҳ бошқа касб эгаси бўлмасин, ҳалол меҳнат қилганидан кейин уни роҳатини, «мева»сини кўрса ҳеч қачон кам бўлмайди. Касбига меҳр - муҳаббати ортади. Унвонга, мукофотга лойиқми — марҳамат, олсин. У ҳам ўзига хос «илҳом пари»си. Кишини ижодга, меҳнатга чорловчи нурли йўл деб биламан.

— Қийин аҳволга тушган кезларингиз ҳам бўлганми?

— Кўпчилик: санъаткорларнинг армони йўқ. Улар халқни ҳурсанд қилиб юраверади, деб ўйлайди. Лекин ундай эмас. Бу — ҳаёт. Бизнинг ҳам ўзимизга яраша ташвишларимиз бор.

Саволингизга келсак, қайси бирини айтишимни ҳам билмайман. Лекин чорасини топаман. Кўпинча «алам»имни «Йиллар армони»дан оламан. Шеърият мени бу аҳволдан қутқаради.

— Камчилик ва нуқсонларингизни биласизми?

— Ёлғон гапирган инсонларни умуман кечира олмайман. Яна ... феълим сал чатоқроқ. Уни ўзимдан бошқа ҳеч ким билмайди.

— Армонингиз...

— Инсон ҳамиша орзу - ҳавас қилиб, интилиб яшайди. Ҳаётда армоним йўқ, дейдиганлар кам бўлса керак. Чунки, армонсиз, орзу-ҳавас қилмасдан яшаш—ҳаётнинг тугаши демакдир.

— Ростанам оила аъзоларингиз меҳмонларни рақсга тушиб кутиб олишадими?

— Иби, шуни ҳам билмайсизми? Бу билганга ҳазил, билмаганга чин.

— Севги нима?

— Севги... Севги — бу асли таласапедликлар тилидан олинган бўлиб, эр-хотин, бола-чақа, қозон -товоқ, турмуш ташвишлари демакдир. Севги ҳақида бир кечакундузда 28 соат давомида тинмасдан «справка» беришим мумкин.

— Гўзал қизларни ёқтирасизми?

— Э, воҳ, улар жону дилимку? Гўзаллик кимни ўзига маҳлиё этмайди, дейсиз? Лекин у ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

— Кўчадан миллион доллар топиб олсангиз...

— Шуни нима қиламан-а, деб ўйлардим.

— Бойликка қизиқасизми?

— Ҳамма яхши яшашни, кийинишни хоҳлайди, албатта. Лекин асосий мақсадим — ижод. Халқимизга, кулгисеварларга нимадир яратиш. Ижодкорни спортчига менгзагим келади. Ҳозир ёш, айни меҳнат қиладиган давримиз. Шундай экан, инсон бойликни эмас, бойлик инсонни изласин.

— Биринчи муҳаббатингизга етишганмисиз?

— Дод! (кулади). Битиб кетган ярамга мурч аралаш қалампир сепдингиз. Мана бу — армон! Биринчисига етиша олмаганман. Истасангиз «адресини беришим мумкин». (Ҳазил).

Иккинчи, учинчиси ҳам бўлувди шекилли... Лекин пешонага ёзилганидан айирмасин.

— Сизда истеъдод кучлими ёки тинимсиз меҳнат.

— Истеъдод — бу Оллоҳнинг иноятн. Лекин, асосийси меҳнат ва яна меҳнат. Изланиш, тинимсиз ижод.

— Мухлисларингизга тилакларингиз?

— Халқимиз, мени таниган-танимаган инсонлар доимо соғ-омон бўлсин. Кулгу уларни ҳеч қачон тарк этмасин.

Иби, иби қаранг-а, асосийси ёддан кўтарилаёзибди. Элимизни, кулги шинавандаларини, онахону опа-сингилларимизни, гўзал ва лобар қизларимизни «Халқлар дўстлиги» саройида 7 март куни бўладиган «Кулги кечаси»га таклиф этамиз. Унда сиз мириқиб куладиган, дам оладиган, теша ва болта тегмаган янги-янги аскиялар бўлади. Кечамизга албатта келинг!

«Ўзбекистон овози» мухбири Абдумалик ҲАЙДАРОВ суҳбатлашди.

«ХЕРСОН ЦЕЛЛЮЛОЗА-ҚОҒОЗ КОМБИНАТИ» ЁПИҚ АКЦИОНЕРЛИК БИРЛАШМАСИ «ТОРГСЕРВИС»

Турли хилдаги «оч ёнғоқ», қайрағоч, эман, «тўқ ёнғоқ» рангидаги мебель қоғозларини

СОТАДИ

Манзил: Украина Республикаси, 252021, Киев шаҳри, Марьяненко кўчаси, 9.
Телефонлар: код (044) 290-21-35, 290-03-38.
Тошкентдаги телефон: 41-83-07.

Мамлакатимиздаги энг йирик, аъло сифатли қаттиқ ёқилги ишлаб чиқарувчи

«КЎМИР» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Ангрендаги каолин — кўмир конидан кўмирни қазиб олиш жараёнида дастлабки каолинни қайта ишлаб майдаланган каолин ва кварц қумларини

ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ.

Иккиламчи майдаланган, бойитилмаган

КАОЛИН

«Кўмир» акционерлик жамияти амалда чекланмаган миқдордаги каолин хом ашёси заҳираларига эга бўлиб, улар республикадаги ягона Ангрен каолин-кўмир конларидан қидириб топилган. Йил давомида «Ангрен» конидан кўмир қазиб олиш вақтида 5 миллион тонна каолин ажратиб олинади. Бугунги кунга келиб бу маҳсулот кўп мақсадларда ишлатишга мўлжалланган минерал хом ашё ҳисобланади. Ангрен каолинлари ҳозирда ўнга яқин соҳаларда ишлатишда муҳим хом ашё ҳисобланади. Айниқса, минерал таркибининг физик-кимёвий хусусиятлари бойитилмаган ҳолда ҳам ишлаб чиқариб ишлатишга имкон беради.

КВАРЦ ҚУМЛАРИ

0,04-2,5 мм ҳажмдаги дона-дона бўлган бу хом ашё бино ва иншоотларнинг турли устки элементи сифатида ташқи ва ички томонларини таъмирлашда ишлатиш мумкин. У шунингдек, қурилиш керамикаси, цемент ва асфальтбетон тайёрлаш учун ҳам яроқлидир.

«Кўмир» акционерлик жамияти майдаланган каолин ва кварц қумларини Ўзбекистон Республикасидаги барча корхоналарига ҳамда хориж мамлакатларига келишилган шартнома асосида

СОТАДИ.

Мижозлар иккиламчи каолин ва кварц қумларини турли тармоқлар ишлаб чиқаришида ишлатишнинг мақсадлари хусусида тўлиқ маълумотларни олишни хоҳласалар, қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 700011, Марказ-14, 27-уй.
Телефонлар: (3712) 144-55-79, 144-57-05, факс: (3712) 41-85-56, 144-20-80.
«Кўмир» акционерлик жамияти юртимиздаги ҳамма қизиқувчи корхона, фирма раҳбарларини ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга таклиф этади.